

«Мунтахаб ат-таворих» (Сайланган тарихлар китоби) асари муаллифи Мухаммадхакимхон ибн Маъсумхон тўра Кўкон тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси хисобланиб, муаллиф Хакидаги маълумотлар асосан шу ёзма ёдгорликнинг ўзида келтирилган, шунингдек, бу тарихий манба ва унинг яратувчиси борасида Абдулла Кодирий, Александр Александрович Семенов, Азиз Каюмов, Ахрор Мухторов, Бўрибой Ахмедов, Энвер Хуршут, Шодмон Вохидов каби олимлар кимматли фикрлар билдиришган.
Академик Азиз Каюмов эса ушбу сатрлар муаллифи билан бўлиб ўтган сухбатларда Мухаммадхакимхон каламига мансуб «Мунтахаб ат-таворих»нинг кўп жихатлари билан Бобур подшохнинг машхур мемуар асари «Бобурнома»га ўхшашлиги хакидаги нуктаи назарни ўртага ташлаган эдилар. Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу кўлингиздаги ўзбекчага таржима хам ана шу карашларга кўра айнан Азиз Каюмовнинг маслахати ва кўллови билан амалга ошди. Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут тамонидан «Мунтахаб ат-таворих» махсус ўрганилган. Э.Хуршут ўз тадкикотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги ахамияти, мемуар жанридаги Ушбу мукаддимани ёзишда Э.Хуршутнинг мазкур тадкикотларидан хам кенг фойдаланилди. «Мунтахаб ат-таворих» асарини Мухаммадхакимхон форс-тожик тилида Китоб ва Шахрисабз шахрида 1259/1843 йилнинг ёзларида ёзиб тугатган. Мазкур асар Кўкон тарихнавислик мактабининг гайрирасмий тарихий асарлари сирасига киради. Унинг илова кисми эса 1844 йилнинг охири ёки 1845 йилда ёзилгани борасида хам ишонч билан фикр билдиришимиз мумкин. Муаллиф нусхасидан шу 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилгани хам маълум. Мухаммадхакимхон асари хонлик худудларида кенг таркалишидан ўзи хам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-харакат килган. Юкорида таъкидланганидек, «Мунтахаб ат-таворих»нинг ўзбек тилидаги кискартирилган таржимаси хам мавжуд. Бирок, мазкур нусхани Э.Хуршут П.П.Ивановга ўхшаб асарнинг ўзбек тилидаги талкини деб кабул килишни тавсия килади. Изланишлар натижасидан маълум бўлдики, ўзбек тилидаги «Мунтахаб ат-таворих»нинг нусхаси асл форс-тожик тилидаги матнидан анча йироклашиб кетган. Унда кўплаб хатолар, вокеа ва саналарнинг чалкашлиги, таржимон(лар) томонидан муаллиф услубини соддалаштириш ёки матнга ўзгартишлар киритиш холлари кўзга ташланади.
Бугунги кунда «Мунтахаб ат-таворих»нинг Узбекистон, Тожикистон ва Россия кўлёзма хазиналарида 12 та нусхаси мавжуд. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Узбекистон)даги нусхалар матнларнинг тўлалиги ва яхши сакланганлиги билан ўз кийматига эга кўлёзмалар хисобланади. Асарнинг Шахрисабзда Мухаммадамин

котиб томонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилди. 2006 йили Мухаммадхакимхон Асарнинг тузилиши: асарининг иккинчи жилди араб ёзувида Токиода хам босилиб чикди.
I боб. Пайгамбарлар.
II боб. Кадимий Эрон сулолалари.
III боб. Чин ва Фаранг шохлари.
IV боб. Чахорёрлар, умавийлар ва аббосийлар халифалари хакида.
V боб. 1) Сaффорийлар, 2) Сомонийлар сулоласи. 3) Ол Бўя хукмронлиги. 4) Газнавийлар. 5) Салжукийлар. 6) Хоразмшохлар салтанати. 7) Чингиз ва чингизийлар хонадони. 8) Темурийлар. 9) Шайбонийлар. 10) Аштархонийлар. 11) Мангития салтанати. 12) Мингия тоифаси. «Мунтахаб ат-таворих» нусхаларидан Санкт-Петербург нусхасида (С 470) яна илова хам бор. Бу илова хам Мухаммадхакимхон каламига мансуб бўлиб, унда Шералихон даври (1842-1845 й.) хамда Худоёрхоннинг тахт устига чикиши баён этилгани (689-707 бетлар). «Мунтахаб ат-таворих»нинг манбалари жуда хам кўп бўлган. Кўкон тарихчиларининг асарлари форс-исломий тарихнавислиги асосида шаклланган бўлиб, уларда умумжахон ва локал (махаллий) тарихга багишлаб ёзилган асарлар учрайди. «Мунтахаб ат-таворих» асари умумжахон тарихига багишлангани боис муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён килган. Шунинг учун такдим этилаётган маълумотларнинг дастлабки кисми бошка кўплаб тарихий ва адабий манбалар асосида битилган. Шу сабабли улар оригиналлик касб этмай, асарнинг колган кисми учта мавзуга, яъни Бухоро мангитлари тарихи, Кўконда хукм сурган минглар сулоласи хамда муаллифнинг чет элларга саёхати баёни бўйича таксимланар экан, бу маълумотларнинг барчаси Мухаммадхакимхоннинг ўз каламига
мансуб кимматли манба хисобланади. Тўгри, муаллиф аник килиб кўрсатгани каби, Мухаммадхакимхон ўз асарининг мангитлар кисмини ёзишда Мухаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзкулибек каламларига мансуб «Тухфат ал-хоний», Мухаммадшариф ибн Мухаммаднакийнинг «Тож ат-таворих» ва бошка муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бунга асарни тадкик килган олим Э.Хуршут ўз вактида аниклик киритган эди. Шунингдек, Мухаммадхакимхон ўша давр вокеаларининг бевосита иштирокчиларидан хам талайгина маълумотларни эшитган ва муаллиф бу фактларни «Мунтахаб ат-
таворих»да махсус кайд этиб ўтади. Минглар ва мангитларнинг хукмронлиги, яъни Кўкон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид маълумотлар ўта мухим ва бирламчи манба сифатида биз учун кимматлидир. Шунинг учун хам мазкур манба Кўкон тарихнавислик мактабида (Бухоро тарихнавислигида хам) ўзининг оригиналлиги ва расмий тарихчи томонидан ёзилмагани билан ажралиб туради. Асар муаллифининг саёхат ва эсдаликлари тафсилоти, шубха-сиз, яна хам кимматли манба бўлиши билан бирга уларнинг адиб Мухаммадхакимхон тилидан жонли ва таъсирчан услубда баён килиниши асарга бадиийлик хам багишлаган, яъни айтиш мумкинки, муаллиф кисматининг махорат билан бадиий бўёкларда ифода этилиши «Мунтахаб ат-таворих»ни кахрамон-ёзувчининг ички кечинмаларига хам бой бир саргузашт-роман даражасига кўтарган. Китобда, шунингдек, инглизлардан енгилиб Бухорога амир Насруллох олдига келган афгонлар хукмдори Дўстмухаммадхон ва унинг ўгиллари Акбархон, Султонхон хамда акаси Мухаммадалихондан сўнг озгина вакт хонлик тахтига ўтирган, аммо унгача кувгинликда Шахрисабзда хаёт кечирган Султон Махмудхон ва бошка айрим нуфузли рухоний, амалдор, шоирлар кисмати улар хикоялари ва муаллифнинг шахсий

кузатишлари оркасида вужудга келган фикрлар асносида тилга олинади.
Мунтахаб ат-таворих»да муаллиф учун манба вазифасини бажарган мактублар (Дўстмухаммадхоннинг Хиндистон генерал-губернатори В.Макнотеннинг котиби Лотга мактуби; Султон Махмудхоннинг амир Насруллохга хати; амир Насруллохнинг Кўкон хони Мухаммадалихонга хати ва бошкалар)нинг хужжат сифатида хавола этилиши эса асарнинг тарихий кийматини яна хам оширишга хизмат килган. Хатто улар афгон, хинд тарихчиларининг маълумотларини тўлдиришга хам яроклидир. Бундан ташкари асарда муаллиф шарк шоир ва адибларидан Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хаём, Саъдий, Пахлавон Махмуд, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Хусрав Дехлавий, Иноятуллох Канбу, Ахмад ибн Юсуф, кўконлик шоирлар Фазлий, Акмал Шер Хўкандий, Нусрат, Бехжат, Амирий (амир Умархон), Хоразм хони Мухаммадрахимхон I шеърларидан намуналар келтиради. Асарнинг бадиий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халкларининг макол ва масалларидан унумли фойдаланилган. Э.Хуршутнинг аниклашича, муаллиф, хатто битта хитой халки маколини хам келтирган.
Хакимхон таникли саййидлар ва хонлар авлодига мансуб оилада 1217/1802-03 таваллуд топган. У она томонидан Кўкон хокими Норбўтабийга (1770-1798) набира ва унинг вориси Олимхонга (1798-1810) жиян эди. У ёшлигида Кўконнинг бўлгуси хокими Мухаммадалихон (тав.1806 й. Хукмронлиги 1822-1842) билан бирга тарбияланади. Мухаммадхакимхоннинг бобоси Хакимхонтўра ўша даврнинг таникли шахсларидан хисобланарди. Унга энг обрўли одамлар, хатто давлат бошликлари хам маслахат ва ёрдам сўраб мурожаат этишарди. Хакимхонтўранинг аралашуви билан бир неча жанжаллар, айникса Уратепа билан Бухоро амирлиги ўртасидаги конли низоларнинг олди олинган. Хакимхоннинг отаси Маъсумхон тўра Олимхоннинг синглиси Офтобойимга уйланган эди. Олимхон уни Исфарага хоким этиб тайинлаганда у бу лавозимдан ўз ихтиёри билан воз кечган. Маъсумхон ўта юмшок кўнгилли бўлиб, унинг илтимоси билан бир неча минг киши ўлим жазосидан кутулиб колганлар.

Хакимхон яшаётган оила саййид ва хўжалар авлодига мансуб бўлиши туфайли хонликда алохида хурмат ва мавкега эга бўлган. Умархон даврида оила бошлиги Маъсумхон тўра давлат ишларига хам фаол аралашган.
Лекин бу оиланинг тинчлиги, орттирган мавкеи узокка бормади. 1822 йил охирида Мухаммадалихоннинг хокимият тепасига келиши билан хаммаси остин-устун бўлиб кетди. Хакимхонлар оиласи хам бошка кўплаб кишилар каби янги хокимнинг газабига учради. Бу даврларда Кўкон хонлиги энг кучли давлатлардан бирига айланганди. Унинг кўшнилари хам бу давлат билан хисоблашмасдан иложлари йўк эди. Кўкон хонлигига асосан 1709 йилдан бошлаб асос солинган. Бу пайтда мазкур хонлик Бухоро амирлигидан алохида мустакил равишда шаклланиб, Норбўтабий хукмронлиги йилларида Фаргона водийси ва Хўжанд (хозир Тожикистондаги Сўгд вилояти) худудларини ўз ичига олган. Олимхон хукмронлиги йилларида бу хонлик чегаралари янада кенгайиб, Тошкент ва Чимкент шахарларини хам ўз ичига олди. Умархон хонлиги даврида эса Туркистон шахри, Еттисувдан Или водийсигача Кўкон хонлиги таркибида эди. Мухаммадалихон хукмронлиги даврида Кўкон хонлигига козок ва киргизлар яшайдиган катта Худудлар хам бўйсундирилди. Унинг давлат чегаралари жанубдан Жиззахгача, гарбдан Туркистон шахри атрофларигача, шимолдан киргизларнинг бутун худуди бўйлаб, Балхаш кўли ва Или дарёсидан то Шаркдаги Кошгаргача чўзилган эди. Мухаммадалининг давлат

тепасига келиши кучли тазйик ва кувгинлар билан ажралиб туради. У кўпгина кишилар, биринчи навбатда Маъсумхон ва Хакимхоннинг хам ўз юртидан бош олиб чикиб кетишига сабабчи бўлди. Бунинг замирида аслида янги хоннинг яккахокимликка интилиши, илгари нуфузга эга бўлган хўжаларни хокимиятдан четлатиш максади турса-да, Мухаммадхакимхон тўра мазкур китобида кўпинча бунда адоватчи, хасадгўй амалдорларнинг ичи коралигини сабабчи килиб кўрсатишга майл билдириб, уларнинг куткуси оркасида Маъсумхон ва унинг ўгли, яъни ўзи каби зиёли кишиларнинг бадарга этилганига ургу беради.
Рус олими В.Наливкиннинг таърифлашича, «ўз даврининг ёркин фикр эгаси бўлган, ўша машъум тузумда инсонпарварлиги билан ажралиб турувчи», юксак билим эгаси, юкори табакага мансуб бўлишидан катъи назар, ўз умрини кувгинлик ва дарбадарликда ўтказган Маъсумхон хаёти фожиали якунланади.
Хонликдан Маъсумхонни чикариб юборишга эришган Мухаммадалихон кўп ўтмай Хакимхон тўранинг тадбирига тушганди. Бирок, хон эл орасида Хакимхон тўра каби эътибор топиб улгурган хўжазода тўрани ўлдиришга ботина олмайди ва нихоят унинг ёлгиз ўзини, гўё хажга рухсат берган бўлиб, аммо, уйидан бир танга хам олишига йўл кўймаган холда ярим кечаси Кўкондан, ундан ўтиб эса хонлик сархадидан посбонлар хамрохлигида чикариб юборади. Хакимхоннинг машаккатли саргузаштлари бошланади. У одам юрмас чўл-биёбонлардан ўтиб, Русияга карашли Шамай шахрига етиб келади. Унинг чет эл давлат тузуми ва сиёсий-ижтимоий, иктисодий ва маданий хаёти билан танишиши ана шу Шамайдан бошланади. «Уткан кунлар» кахрамони Отабекка ўхшаб у хам рус давлат тизимидаги кўп тартиб-коидаларни мактаб тилга олади. Хакимхонтўра Сибирнинг бир неча губернияларида бўлади. Лекин зийрак Хакимхон кайси губернияга борса хам у ернинг губернатори ёки мансабдор шахслари билан учрашмасликка харакат килади. Учрашувга рози бўлмаслигининг сабаби уларнинг Петербургга бориш хакидаги ёкимсиз сухбатини эшитмаслик эди. Бирок, такдирдан кочиб кутилиб бўлмайди. Хакимхоннинг Оренбургда туриши ўша вактларда Сибир бўйлаб саё^ат килиб юрган Александр I нинг бу шахарга ташрифи вактига тўгри келган бўлиб, подшохнинг буйругига мувофик, Хакимхонни унинг хузурига олиб борадилар. Рус хукмдори Хакимхонни катта иззат-икром билан карши олади. Мазкур учрашувда подшох Хакимхондан Урта Осиёдаги сиёсий-ижтимоий ва иктисодий вазият хакида хам маълумот олади ва бу хакда муаллиф шундай ёзади: «...Мен билан подшох ўртамиздаги сухбат эса жуда хам кизиб, авжига минганидан ўша кечаси бошка хеч кимсани хузурига таклиф килмади. Мен билан хар тўгрида сўзлашди. Айникса, Мовароуннахр ахволи борасида кўп сўраб-суриштирди. Сахарга якингина каминага кетиш учун ижозат берди...»
Шу ерда бироз рус подшохнинг Хакимхон шахсига кизикиши ва муаллифнинг нимадандир чўчиб, сухбатлар мазмунини бир сатр оркали бўлса хам ёритмагани, хатто, бошка йўллар билан ишора килмагани устида фикр юритсак. Албатта, муаллифнинг ўз сири сифатида буни айтмасликка хак-хукуки бор. Аммо, бизни кизиктиргани шуки, Хакимхон тўранинг ўкувчини бу мавзудан чалгитиш учун хадеб ўзини губернаторлар ва рус подшох билан учрашишга нолойик «бир сайёх» сифатида кўрсатиши ёки «Мовароуннахр ахволи борасида кўп сўраб-суриштирган» Александр I билан амалга ошган сухбат мазмунини сира хам эслатмаслик йўлидан бориб, бу хас-пўшлаш оркали биздан нимани яширмокда? Биринчидан, Хакимхон тўра айнан ана шундай учрашувларга ўта лойик киши бўлиб, у хам хон авлодидан экани, хам рухонийлар хонадонидан чиккани билан давлатга даъвогарлик хукукига эга шахс-ку! Шундан келиб чикиб, айта оламизки, бу каби шахслар

Хакимхондан илгари хам, кейин хам (масалан, акаси тазйикидан кочган Бухоро шохзодаси Дин Носирнинг Петербургга бориши) Ўрта Осиё ерларига кўпдан бери кўз тиккан рус давлатини кизиктириб келиб, улардан фойдаланишдан хеч качон воз кечишмаган. Чунки, бунинг Урта Осиё давлатларини ўз таъсири доирасига олишда жуда хам кўл келиши аник эди. Кўрганимиздек, Александр I мазкур ўтиришга чингизий авлоддан козок аслзодаларини хам таклиф этган. Рус хукмдори гарчи улардан ижирганса, менсимай устларидан кулса хам улар билан учрашишдан тортинмаган. Хакимхондек ўкимишли ва зукко, доно аслзода билан учрашиш эса нур устига нур бўлиб, бунда у факат Мовароуннахр хакида шунчаки маълумот олишнигина кўзда тутмаган. Тарихдан биламизки, Рус подшохи Павелга суикасд уюштирилиб, ўлдирилиши окибатида унинг Наполеон Бонапарт билан хамкорликда Англия вассали Хиндистон устига харбий юриши режаси амалга ошмай колди. Бу юриш Эрон усти оркали уюштирилиши лозим эди. Айни пайтга келиб эса Александр I хам ана шундай юриш пайига тушиб, Хиндистонга Урта Осиё ва Афгонистон оркали ўтишни режалаштирган, афгонлар сарзамини эса инглизлар томонидан ишгол килиниб, хар икки давлат Урта Осиёга хам кўз тикаётган эди. Колаверса, иккала Рус-Эрон урушидан (1814, 1824) сўнг Кафкозни ўз таъсир доирасига олган Россия давлати Эроннинг шимоли-гарбий худудларида хам назорат ўрнатишни кўзлаётганди. Шунинг учун руслар Урта Осиё давлатлари билан яхши иттифокчи, ёки бўлмаса Хива, Бухоро ерларини босиб олишга касд килган эдилар. Албатта, бундай холда бирор сиёсий фитна уюштириб, бу сингари можародан хам фойдаланишлари хеч гап эмасди. Ана шу максадда эса уларга Хакимхон тўрага ўхшаш сиёсий сиймонинг аскотиши турган гап эди. Россия хукмдори шунинг учун хам Оренбургдаги учрашувга карамай, Кўкон давлатининг норасмий вакилини Петербургга таклиф этиб, ўз режасини харбий бошликлар оркали унга етказиш, яъни ўз давлатидан норози ва аламзада Хакимхондан янги хукмдор «ясамокчи» бўлган эсалар ажабмас. Балки, бошка киши бўлганда бунга кўнар ёки бироз вакт бўлса-да, шу максадда харакат килиши мумкин эди. Бирок, юкорида кўрганимиз каби ватанпарвар ва динпарвар Хакимхон гарчи Мовароуннахрнинг сиёсий ва иктисодий ахволи хакида гапириб берган бўлса-да, асл максад ва унинг окибатларини яхши англагач, Петербургга бориш, аникроги, у ерда вокеалар гирдобига тушиб колишдан ўзини куткарганча, хажга бориш хакидаги касамини яхшигина рўкач килган кўйи тезрок Россия худудидан чикиб кетишга ошикади. Шундан сўнг Россия давлати унинг кўзига ёмон кўринаверади, хатто, Астраханда туткунликда турган черкас шохзодасини ноконуний хужжат билан таъминлаб, асирликдан куткаради ва асарининг айрим ўринларида рус давлати мансабдорларини ёмонлаб тилга олади. Оренбургда пайти Александр I Хакимхонни томоша килдириш учун турмага олиб киради. Бу ердаги ўта огир шароит ва махбусларга килинаётган гайриинсоний муносабат Хакимхонда ёмон таассурот колдиради. У Россиядаги турма тизимини рус подшохи хузуридаёк очикдан-очик коралайди. Шунингдек, бу мамлакатда ноконуний тугиш холлари кўп эканини «харомзодахоналар» мисолида кўрсатиб, бундай болаларни давлат ўз химоясида тарбиялаб вояга етказгач, давлатнинг бунинг эвазига улардан эрксиз жамият аъзолари вужудга келтиришидан нафратланади. Яна айтиш лозимки, Хакимхоннинг ватанпарварлиги бошка ўринда хам намоён бўлади. У турклар империясига карашли ажойиб, сўлим ва фаровон шарк ўлкаларига етгач, дастлаб ўзини кайтиб борса, тахдид-тазйиклар билан карши олувчи Ўрта Осиёга кайтмасликка ахд килади. Аммо, бу ерларни хам обдон кўргач ва ота ватанида содир бўлаётган сиёсий можаролар кучаяётгани хакида хабар топгач, ватан

ободлиги ва халки тинчлигини ўйлаб, тезда Моваруннахрга кайтиш кўйига тушади. Узга юртларда ўзи учун яратилган барча кулай шароитлардан (масалан, Миср генерал-губернатори Мухаммадали пошо уни ёнида колишга чакиради ва барча шароитларни мухайё килишини билдиради) ва хар кандай юкори мансаблардан, хатто, имкони тугилиб Европага бориб келишдан хам воз кечади. Диндор сифатида Каъба хаваси уни канчалик ўзига тортган бўлса, ўз ватанининг чин фарзанди сифатида юрт-эл севгиси хам Хакимхонни шунчалик оханрабодек ўз багри сари чорлайди. У бу йўлда ўлимига хам рози бўлиб, шиа мазхабли эронликлар хуружи ва карокчи туркман сахройилари хужумига хам карамай, минг азоб-укубатда Моваруннахрга етиб олади. Шу ўринда сал олдин ўтиб бўлса-да, Хакимхоннинг бошка ана шу каби шарафли хислатларига тўхташга тўгри келади. Хакимхон халкка жабр-зулм етказувчи хар кандай тузумдан ўта нафратланар эди. У хаждан кайтгач, Бухорода тураркан, ноиложликдан амир Насруллохнинг кайта-кайта илтимос-ўтинчларига кўра давлат хизматига киради. Бирок, унинг халкка зулми хаддан зиёд экани ва одамлар конини бехуда тўкишини кўргач, кўп ўтмай мансабдан воз кечади. Буни сезган амир хам зиёли ва халкка ичи ачинувчи ёш амалдор Хакимхонни ўз холига кўяди. Хакимхоннинг яна бир яхши хислати у касоскор инсон эмас, юрагида кин ва кек сакламасди. Астраханда ўзининг юртдан чикиб кетишига сабабчи бўлган кишилардан бирини учратади. У хам хон томонидан дарбадар килинган экан. Кўнглида кек сакламайдиган Хакимхон унинг айбини юзига солмайди, аксинча ачиниш билдиради ва гурбатдаги бу ватандошидан кўлидан келган яхшилигини
аямайди.

Хакимхон вафодор дўст хам бўлиб, Астраханда танишган Малик Косим исмли черкас йигити ва Миср, Сурия, Эронда орттирган дўстлари гамига шерик бўлади ва огир кунларида кўлдан келганча уларга ёрдам беради. Хакимхон карашича, дўстларга огир кунда кўмаклашиш, дардига малхам бўлиш
хар бир кишининг инсонийлик бурчи хисобланади. Хакимхон чин севги эгаси, ор-номусли ва хаёли инсондир. У бир рус генерал-губернаторининг нихоятда гўзал, шу билан бирга ўта хаёсиз кизи куткусига учмай, ўз нафсини тийганча турмага тушишга хам рози бўлади ва шунинг окибатида анча азоб чекиб, зўрга ўлимдан кутулади. Унинг ўз нафсини тиймаган араб ва эронлик дўстлари эса аёллар хийласига учиб, жонларини барбод килишига сал колади. Хакимхонни эса бу аёллар ўз тузокларига илинтира олмай догда колишади. Муаллиф отасининг беваси, яъни «ўгай онаси»га уйланган ва шу сабабли хонлик хаётида машъум ходисалар кўптирган Мухаммадалихон ва мазкур аёл, аникроги, Хонпошшони каттик коралайди. Хакимхон Хонпошшони Умархонга тегишидан олдин таниган ва тогасининг саройида у билан кўп марта мулокотда бўлган. Асар охирида, Хонпошшонинг Бухорода амир Насруллох томонидан ўлдиргани хикояси асносида билинадики, Хакимхон хам бу гўзал аёлга ошик бўлган, бирок ор-номус, хаё унинг Хонпошшога нисбатан Мухаммадалихон килган уятсиз муносабати даражасигача етишга йўл кўймаган.

Хакимхон хурофот ва илмсизлик душмани хамдир. У тогаси амир Олимхоннинг кўплаб ишларини коралаб ёзса-да, унинг хурофотга карши тадбирларини мактайди ва халк онгини дин ва шариат хукмларидан чалгитувчи захарли хурофот мохиятини очиб беришга интилади. Амир Олимхон ясама хўжа ва саводсиз рухоний мансабдорлар сирини хам улардан хужжат-далил сўраб фош этган, мансабдор рухонийларни имтихон килгач, нолойикларини ишдан четлаштириб, ўринларига саводли кишиларни кўйган.

Булар муаллиф тахсинига сазовор ишлар каторида тилга олинади. У Мухаммадалихон даврида шу хон касофати сабабли рўй берган иллатли ишлар каторида калбаки кадамжоларнинг хам вужудга келиб колгани, халк яна хурофотга муккасидан кетаётганини бир неча мисолларда кўрсатиб ўтади. Кимлардир хонга бир неча ўт толаларини келтириб, буларни ислом пайгамбари сочлари ўрнида такдим этгач, хукмдор уларнинг гапига лакка ишониб, бу ўтларни катта пул эвазига сотиб олади ва амалдорларидан бирининг уйида бу «мукаддас» соч толаларини халк намойиши учун кўйдиради. Натижада минглаб соддадил кишилар ўша муборак соч толаси (мўйи муборак)ни тавоф этиш учун шахару-кишлоклардан окиб кела бошлайдилар. Сўнг бу сочлар бошка жойга кўчирилиб, ўша мавзе номи ўзгаришига сабаб бўлади ва у жой бир умрга «Муйи муборак» номини олади. Мухаммадхакимхон тўра ёзишича, у араб мамлакатларининг хаммасида бўлиб, хеч бир ўлкада бундай Холни кўрмаган, лекин хаждан кайтиб келгунча Фаргона водийсининг бир неча ерида «Мўйи муборак» номидаги кадамжо ва туманлар вужудга келган. Муаллиф ўзбек халкини хушёр бўлишга, хар кандай бидъат ва хурофий гапларга ишонавермасликка, чин ислом ахкомларига риоя килишга чакиради.

Хакимхон орзу килган айрим шарк мамлакатларига етгач, бу ерларда исломга риоя килмай, баччабозлик ва фохишабозлик каби иллатларнинг очикдан-очик авж олгани, хатто Туркия султонлиги берган рухсатга кўра, Мисрдаги фохишаларнинг расмий равишда фаолият кўрсатаётгани гувохи бўлади ва хайратга тушганча бундай холдан нихоятда нафратланади. Миср, Сурия ва Эрондаги хукмдорлар саройларида рўй бераётган носоглом, ахлоксиз хаётни ўз кўзи билан кўриб, ўкувчига бу манзарани ёзиб кўрсатиш оркали, ўша ердаги хокимларнинг тубан хаёт сари юз тутганликларини коралайди. Хакимхон ўз юртида ислом ахкомидан ташкари адабиёт ва фалсафа, тарих, мантик каби илмларни хам яхши ўзлаштирган бўлиб, унинг билимдонлигини кўрган араб, эрон подшохлари ва маликалари хайратда колишади. Чет тилларни ўрганишга кобилияти кучли Хакимхон тез фурсатда рус тилини ўрганиб олиб, рус подшохи тахсинига сазовор бўлади. У араб ўлкаларида дастлаб бу тилда гаплашишга анча кийналади. Чунки, Ўрта Осиё мадрасаларида араб тили грамматикаси канчалик яхши ўргатилмасин, амалда сўзлашиш кам эди. Аммо, Хакимхон кўп ўтмай араб тилининг бир нечта лахжаларини хам ўзлаштириб, худди араблар каби сўзлашадиган, хатто, араб тили лахжалари хусусиятларига бахо бера олиш билимдони даражасигача етиб, араб олимларини хайратда колдиради. Форс адабиётидан яхши хабардорлиги учун юзлаб шеърларни ёддан айтиб, эронликлар тахсинига сазовор бўлади ва эронлик шоирлардан эшитган газалларни эслаб колиб, сўнг «Мунтахаб ат-таворих»га киритади.

Мухаммадхакимхон хажга бориш ва кайтишда кўплаб мукаддас тарихий жойларда бўлади. Денгиз, ўрмон ва сахроларда неча бор ўлим билан юзлашади, кенг таркалган вабо касалига хам йўликиб, омон колади. Нихоят, Эрон оркали ватанига кайтишга жазм килиб, Шомдан Багдодга, у ердан эса Эроннинг Хамадон, Санандаж ва Рашт шахарларини оркада колдириб, Техронга келади. Эрон шохи билан хам мулокотда бўлиб, Машхад сари йўл олади. Касалланган муаллиф бир ойдан сўнг Машхадни тарк этиб, Сарахс, Тажан ва Маймана, Андхўйдан ўтиб, бир ойдан сўнг Амударё киргогига етиб ва бошидан яна канча балоларни кечирганча нихоят Бухорога келади. Хаждан кайтган муаллифни якин кариндош тукканлари ўз багрига оладилар. Шу тарика, Хакимхоннинг узок йил давом этган сайру саёхати, жахонгашталик саргузаштлари нихоясига етади. У Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афгонистон мамлакатларида

бўлади. Хакимхоннинг кадами етган юртлар, шахарлар рўйхатида Кўкон, Тошкент, Туркистон, Шамай(Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Астрахан, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Кайсария, Латакия, Дамашк, Газо, Кохира, Сувайш, Янбо, Жидда, Макка, Мадина, Кусайр, Арабистон чўли, яна Кохира, Газо, Куддус, Хаврон, Наблус, Дамашк, Багдод, Хамадон, Рашт, Нишопур, Машхад, Маймана, Андхўй, Бухоро, Самарканд, Уратепа, Шахрисабз, Китоб ва бошка жойларни кўриш мумкин. Хакимхон согиниб ва ошикиб, интилиб келган юртида яна талай кийинчиликларни бошидан кечиради. Чунки, чингизий хукмдорлар (Кўкон, Бухоро ва Хива хонликлари) орасидаги асрий ўзаро низо ва саройдаги тахт талашиш каби курашлар тўхтовсиз давом этаётган, бунинг натижасида эса Урта Осиё давлатлари тобора колок ўлкага айланиб бораётган эди. Дунё кезган ўкимишли Хакимхон тўра бунинг окибатларини яхши англарди ва шунинг учун хам у бу вокеаларнинг барчасини ўта ачиниш, ўкинч билан каламга олади. У Мухаммадалихонни ўз шахсий душмани сифатида билишдан юкори даражадаги инсон эди. Буни у бир неча бор якинлари билан сухбат асносида ва амир Насруллохнинг Хонпошшо бахонасида Кўконга конли юришини каттик коралаш билан маълум килиб ўтади. Уни ташвишга солгани хонликлардаги нотўгри сиёсат, асрий колоклик окибатларини акл ва илм куроли билан йўкотиш ўрнига, ўзаро урушлардан бирор лахза тинчимаслик, хукмдорларнинг халк ахволини ўйламай, аксинча уларга зулм ўтказиш, мамлакат иктисодини юксалтириш ўрнига, хазинадаги бор маблагни кайфу сафо, маишатбозлик учун сарфлаш каби
иллатлар бўлиб, илгор карашли муаллиф буларни хонларнинг шахсий адоват ва хусумат оркасида хам канчадан-канчаларнинг конини тўкишдан ўзларини тия олмаслик, бекорчи, аммо кўп харжли тўйлар ўтказиш, итлар ва ов кушлари бўйнига кимматбахо марварид такиш, каптарларга тилло, кумуш уялар ясаш, инсон кадрини ерга урувчи одатлардан тийинмаслик сингари вокеа ва холлар баёни оркали ўкувчига етказиб беришга интилган. 1844 йили муаллифга энг якин зиёли ва маърифатпарварлардан шоир Хозик, йирик рухоний эшон Шофии (Дарвеш эшон) амир Насруллох буйруги билан Шахрисабзда хуфиёна равишда катл этиладилар. Чунки улар зулми хаддан ошган амир Насруллох хузуридан кочган ва унинг килмишларини очикдан-очик коралаган эдилар. Хукмрон жахолат эса бу зиёли кишилардан ана шу тарика касос олди. Хакимхон кишиларни ўша пайтдаёк хокимликка эга хар кандай жахолатнинг хар бир даврда хам халк бошига ана шундай кулфатлар солишидан огох этган. Ахир 1919 йили Каршида ўлдирилган Бехбудий ёки Фитрат, Чўлпон, Абдулла Кодирийлар кисматида тарих шу нарсани кайтадан кўрмадими? Факат бугина эмас, узокни кўра билган Хакимхон юрт устига ташкаридан келиши мумкин бўлган хавф-хатардан хам халкни, жумладан, амалдорларни огохлантиришни хамда дунё мамлакатлари тараккиёт йўлига аллакачон тушиб олиб, факат бир пайтлари харбий кудрат ва илм-фан, маданиятда юксаклик намунаси бўлган Мовароуннахргина барча сохаларда оксаётганини кўрсатишни ният килган. Шунинг учун хам Хакимхоннинг «Мунтахаб ат-таворих» асари тарихий вокеаларни камраган манба ёки муаллиф саргузаштлари баёни бўлиб колмай, ўша давр зиёлисининг аянчли нидоси, орзу-истаклари ва ватанпарварлик хис-туйгулари хамда огохликка йўгрилган турли эзгу фикрларини кейинги авлодга етказувчи уйгок дил изхори, чакирикнома хамдир.
Хакимхоннинг вафот йили ва кабри номаълум. Бирок, Мухаммадхакимхоннинг уруг-кариндошларидан кўпчилиги эса бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистонда истикомат килишмокда. «Мунтахаб ат-таворих»нинг тарихий манба сифатидаги ахамиятига тўхталиб яна шуларни айтиш мумкинки, асл касби тарихчи бўлмаган, бирок

замонасининг энг маълумотли ва зукко, зиёли шахс бўлган Мухаммадхакимхон ўз асарида «Мунтахаб ат-таворих» асари XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг 40-йилларигача Бухоро амирлиги (мангитлар даврига оид) ва Кўкон хонлиги тарихи (минг сулоласи даври)ни ёритишда бирламчи ва мухим манбадир. «Мунтахаб ат-таворих» тарихий-биографик ва мемуар асар сифатида хам Кўкон тарихнавислик мактаби ва адабий мухитида алохида ўринга эгадир. Бундан ташкари Хакимхоннинг асари ўша даврдаги Туркия Миср, Эрон, Афгонистон ва Россия тарихига доир мухим маълумотлар ва кузатувларни хам беради. «Мунтахаб ат-таворих» асаридаги ўтрок ва кўчманчи ахолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир, Фаргонага келиб ўрнашган кўчманчи кабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги иттифоклар тузишдаги ўрни, исломийлашув масалалари, ўлкадаги этник ва этносиёсий жараёнлар, хонликнинг Бухоро билан алокалари, юриш ва уришлари хакида аник маълумотлар; кўчманчилар ва ўтрок ахоли анъанасига асосланган марказий давлат-маъмурий тизими ва бошкарувининг шаклланиши, унинг омухталик (синкретик) мохияти; Кўконда минг ва Бухорода мангит сулоласининг хокимиятни кўлга олиш жараёни, уларни босиб олинган янги худудларида хукмронликларини конунийлаштириш ( легитимация) масалаларига доир кузатувлар, ўзаро урушларнинг гайриинсоний кўриниши, тинч ахолининг азоб ва укубутлари; бу сулолалар даврида жорий килинган ва амалда бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари хакидаги маълумотлар, улар давридаги харбий тарихи, аскария ва харбий иши тўгрисидаги ахборот; марказий хон маъмуриятининг махаллий хокимият (вилоятлар) билан алокалари, вилоятларнинг даражаси, уларнинг хонлик сиёсий ва хўжалик хаётидаги ўрни, зодагонларнинг этик ва эстетик кадриятлари, ахлокий вазият (баччабозлик каби кусурлар) ва бошка мавзуларга доир маълумотлари жуда хам кимматлидир. «Мунтахаб ат-таворих» асарининг муаллиф даврига тегишли оригинал кисмининг хозирги ўзбек тилига таржимаси Токиода 2006 йили нашр этилган асарнинг иккинчи жилди матни асосида, унинг Бухоро амирлигига доир кисми эса асарнинг Душанбе факсимиле нашри (биринчи жилди) асосида илк дафъа тўлик холда амалга оширилди.
Мазкур сатрлар муаллифи таржимани асл матни билан солиштиришга, изох ва кўрсатгичларни тузишга якиндан ёрдам берган Исмоил Бекжонов хамда Абдулатиф Турдалиевга, иш жараёнида ўз маслахатлари ва маънавий ёрдамини аямаган, китоб мухаррири Хондамир Кодирийга, хамжихатлиги ва кўллаб-куватлагани учун ўз оила аъзоларига, китоб такризчиларига, «Янги аср авлоди» нашриёти рахбарияти ва ходимларига ўз миннатдорлигини билдиради. Шу ерда бир лавхани эслаб ўтмокчимиз. Таникли олима Музайяна Алавия ўз хотираларида машхур адиб Абдулла Кодирийни эслаб, ёзадилар: 1935 ёки 1936 йил эди. Бир куни Абдулла акани кизик бир холатда кўрдим. Хонасида узок ўтириб, китоблар орасидан чикиб келди. Кўзлари йиглагансумон, аммо рухи баланд эди. Хайрон бўлиб колганимни сезиб: «Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чикса, кўркаманки «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён»ни хеч ким ўкимай кўядими дейман», — деди. Адибнинг режасига кўра бу романда Туркистон хонлари амир Умархон, ўгли Мухаммадалихон ва амир Насруллох ўрталарида бир гўзал каниз туфайли ўтган фожиали тарих баён килиниши керак эди. Адибнинг ўгли Хабибулла Кодирий хам «Отамдан хотира» китобида ушбу романнинг ёзилиши тарихидан хикоя килиб шундай ёзади: «Дадамнинг шундай деганлари ёдимда: «Романга керакли материаллар етарли бўлиб колди. Энди Тошкент шарк кутубхонасида Умархоннинг жияни ёзган, ўша давр тарихига оид нодир бир кўлёзма бор экан, шу

китобни хам ўтириб бир ўкиб чиксам, бас. Уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир киш ўтирсам, романни ёзиб битираман...»
Афсуски, дадам ниятларига ета олмадилар...».
Тарихимизнинг Худоёрхон (уч марта хонлик тахтига кўтарилди: 1844-1857; 1863; 1865-1876 йй.) хонлик давридан хам кирлирок, корарок кунлари бўлган, юксак бадиий тусга беланган, ўзбек халкининг маданий мероси бўлгувчи гўзал ва машхур бу романни ўкиш китобхонларга насиб этмади.

Шодмон Вохидов
тарих фанлар доктори, профессор

... Куйида аштархонийлардан кейин улар ўрнига тахт тепасига келган иккита сулола хонадони ва насаби хакида сўз юритамиз. Улардан биринчиси хозир Бухорода хукм юргизиб ўтирган манкитлар сулоласи. Иккинчиси шу кунларда Хўкандда салтанат тепасида ўтирган минг лар хонадони. Юз ва кенагас хамда бошка тоифалар давлати хакида эса мазкур икки салтанат баёни асносида кискача
гапириб ўтамиз, иншоаллохи таоло.

**ЎН БИРИНЧИ ТОИФА**
**Манкит хонадонининг давлати ва насаби**

Уларнинг биринчиси Рахимхон ибн Хаким оталик ибн Худоёр оталик ибн Худойкулибий ибн Човушбий эди. Рахимхон амирлик мансабига ўтиргач, кўпларни инъом ва эхсонлар билан ўзига ром килди. У табиатида хасад ва гайирлик хислати ўта кучли ва жабру ситамни ўзига касб килган бир киши эди. Аммо, шу золимлигига карамай, кўплаб шоир ва фозиллар сухбатини хам топганди. Мовароуннахрнинг кўп ерларини шамшир зарби билан забт этди. Чунончи, ўша пайтда Хўкандда Эрдонабий валинаъмий хукмронлик киларди. Ўратепада Фозилбий валинаъмий ибн Содикбий ибн Саййидбий ибн Хушика оталик ибн Кулика бий хукм юргизарди. Шахрисабзда эса Олим бий ибн Иброхим оталик хукмронликни ўз кўлида тутиб турарди. Хисори Шодмонда бўлса Мухаммадаминбий хоким эди. Ва улардан хеч бири Рахимхонни тан олмасдилар. Рахимхон ўзбек улугларининг ахволини бу тарика кўргач, кин ва адоват камарини белига боглаб, улар душманлигини бартараф этиш сари юзланди. Олимбий ва Субхонкулибийни бошка кенагас амирлари билан бирга неча бир хийлаву тадбир воситасида ва ёлгон ахду

паймонларни ўртага кўйган холда Шахрисабз калъасидан ташкарида ўз олдига чорлади. Ва бу соддадил амирлар душман сўзига ишониб, ўз оёклари ила кассобхона сари келдилар. Байт:
Вафо мажуй зи кас, дарзи ман мешнав,
Ба харза толиби Симурги кимиё мабош.
(Мазмуни:
Хеч кимдан вафо излама, эшит пандим.
Бекорга кимё Семургини кўлга киритаман деб юрма).
Рахимхон хузурига келган бу амирларга зўр иззат-икромлар кўрсатди. Аммо, у канчалик зўр бериб, бу каби хийлаларни ишлатмасин, ўша пайтда Шахрисабзнинг икки фарсахлик масофа юкорисидаги Увах (?) калъасида хокимлик килаётган Мухаммадюсуфбекни кўлга тушира олмади. Ноилож, акаси Ёвкочтибекнинг кизини унга бериб, ўзига куёв килди ва неча бир касамнома билан уни Хам нихоят ўз олдига чакириб олишга эришди. Шундан сўнг кенагаснинг ўттиз икки мухрдорини бир ерга йигиб, уларни катл этишга хукм берди. Айримлар айтишича, Рахимхон бу ўттиз икки кенагас мухрдорини бу вокеалар рўй бермасдан бурун ўлдиртирган экан. Аммо, гапнинг тўгрироги ўша биринчисидир. Ул бегунох мазлумлар неча бир хорлик билан шахидлик даражасига етиб, бу ўткинчи дунёдан этак силкишди. Байт:
Як кас ба зери гунбади нилуфари кай дид,
К-зи хуни дийда орази ў лолазор нест.
(Мазмуни:
Бу зангори осмон остида ким кўрибди ўзин,
Юзи конли кўз ёшидан лолазор бўлмаганин).
Рахимхон Шахрисабз мамлакатлари келинчаги Кешни ракиблардан холи кўргач, ўша томонга юзланиб, ул худуднинг барчасини ўз тасарруфи остига киритиб, огуши сари тортди ва бир неча кундан сўнг ул мулк хукуматини ўз гуломи Кутлукбой девонбеги га топшириб, ўзи Бухоро томонга кайтиб кетди. Бухорога келиб, бир неча кун йўл хордикларини чикариб, дам олди.

## Рахимхоннинг Ўратепа томон лашкар тортгани зикри

Рахимхон ўзининг Уратепага лашкар тортишидан бурунрок Эрдонабий валинаъмини ўзининг киёматлик фарзанди атаб, уни бу бўлажак юриш борасида огохлантирган эди. Шунга кўра харбий сафардан олдин Эрдонабий олдига бир чопар юбориб, юришда хамкорлик килиш учун таклиф килди. Эрдонабий Рахимхоннинг сўзини кабул килиб, бутун Фаргона лашкарини йигканча Рахимхон сари ошикди. Бу хабарни Фозилбий валинаъми эшитиб, чукур ўй ва фикр денгизига чўмди. Анча ўйлангач, Мухаммадаминбий хузурига тезликда бир чопар юборди ва ўз ору-номусини унинг зиммасига юклаб, ушбу мухим ишни Мухаммад-аминбийга хавола килди. Мухаммадаминбий хам Хисорнинг барча кўшинини йигиб, Фон ва Фалгар йўли оркали ўзини манзилу максад сари етказди. Рахимхон ва Эрдонабий Зомин мавзесида учрашгач, тутинган «ота-бола» бир-бирини багрига босиб, кучоклашиб кўришдилар. Хар икки томондан дўстона хурмат ва

мархаматлар юзага чикди. Эртаси куни хар икки сохиби давлат биргаликда сон-саноксиз лашкар билан кўзгалиб сал юргач, Уратепага бир фарсахлик Обижомак мавзесида кўш ташлашди. Тонг окаргач эса у ердан хам кўчиб, Истравшан калъасини узук кошидек ўртага олиб, уруш ва камал ишларига машгул бўлдилар. Бирок, камал муддати анча чўзилиб кетди. Шахар халки кийин ахволга тушиб, танг бир вазиятда колдилар. Фозилбийнинг кай тадбир ва чора билан бу икки кўшин денгизи гирдобидан кутулишини билмай, боши котди. Мухаммадаминбий ўта тадбиркор ва иш билувчи, кўпни кўрган киши эди. Ана шу уддабуронлиги ва маккорлиги оркасида унга «Мухаммадамини шайтон» лакабини беришганди. Бир куни бир хийла ва тадбир ўйлаб топди ва Рахимхоннинг ёлгондакам мухри билан Эрдонабий номига ва яна бир хатни Эрдонабий номидан Рахимхон номига битиб, хар иккала сохиби давлатнинг ўрдусига юборди. Бу икки калбаки хат ул олий мартабали зотлар кўлига етгач, уларни ўкиб кўриб, мазмуни билан танишганларидан сўнг хар иккаласи калбида бир-бирига нисбатан шубха ва гумону Хадиклар пайдо бўлди. Дархол ўринларидан кўзгалиб, хар кайси ўз лашкари билан хар томонга
кетишди. Шу тарика тадбир такдирга мувофик тушди. Шеър:
Аз он сард омад ин кохи диловез,
«Ки чун жо гарм карди» гўяд «хез» (Мазмуни:
Бу чиройли саройнинг совук эканига сабаб,
«Ўринни кизитдингми, тур жойни бўшат» конунидир).
Ва ўша зим-зиё коронгу кечаси шундай бир каттик шамол кўзгалдики, гўё ул икки лашкар хазрат Нух алайхиссалом тўфони ва Худ алайхиссаломнинг халокатли шамоли орасида колган эдилар. Бухоро кўшини ва Хўканд лашкари каерга томон юришини ва ул даштда не янглиг саргардону хайрон кадам босишини билмай колдилар. Фозилбий ва Мухаммадаминбий маслахатлашиб, Бухоро лашкарини ўз холига кўйиб, Хўканд кўшини кетидан тушдилар. Каерга етишса, урушмасдан туриб хўкандликларни асир олишар, ганим аскарларининг эса оркасига кайрилиб карашларига сира хол ва токатлари колмаган эди. Шу сабабли ўша куни юз мингни ўлдириб, каллаларидан миноралар ясашди. Ва Эрдонабий неча бир машаккат билан зўрга Хўкандга етиб олди. Аммо, Фозилбий ва Мухаммадаминбий Бухоро лашкари хамласига дош бера олмай, ноилож неча бир дарду хасрат билан
кочиш водийси сари юз тутиб, оркага карамай кочиб кетдилар.

---

## [Рахимхоннинг Хисор вилояти устига юриб, Мухаммадаминбийни асир олгани ва уни катлга етказгани зикри]

Шундан сўнг Рахимхон касос илинжида Хисор томон бостириб борди ва урушда Мухаммадаминбийни енгди ва Бухоро сарбозлари Мухаммадаминбий хазинасининг барини талон-тарож килишди. Ва Рахимхон барча Хисор вилоятини эгаллади. Икки-уч кундан сўнг ул бахти кайтган мирни беокибат ўзбеклар ушлаб, Рахимхон хузурига олиб

бордилар. Рахимхон ва Мухаммадамин ва ўзбекларнинг бошка улуглари сохибкирон Нодир подшох томонидан ок уйлик бўлганларига карамай, барибир, Мухаммадаминбий юзнинг йўли хар жихатдан Рахимхон манкитдан илдамрок эди. Шунга кўра у сира бошини эгмас ва хеч кимни тан олмасди. Унинг бу ишидан Рахимхон жуда хайратда юрарди. Фалак бу кисмат ўйинини кўрсатганда, Рахимхон учун айни муддао бўлиб, шу туфайли бундан кейин бий иззат ва икромимни албатта ўз ўрнига кўяди, деган умидда эди. Бинобарин, дархол ўз хузурига чорлади. Айтишларича, ўша сухбатда жуда кўп саййид, уламо ва амирлар тўпланишган экан. Мухаммадаминбийни бу кўрунуш йигинига боши очик, оёк яланг холда киритишган. Шунда хам Мухаммадаминбий Рахимхонни назар-писандига илмай, уламо томонга караганча «ассалому алайкум, эй уламо» дебди ва бу туркий байтни ўкибди, байт эса ушбудир:
Чу билдим ризк эрур максадим, чекмам дўстдин миннат,
Казодин хориж эрмас иш, адувга инкиёд этмам.
Рахимхон бу каби муомала сўзларини Мухаммадаминбийдан эшитгач: — Тилингга ахлат, бу сўзларни деганинг билан барибир сен хеч качон мусулмон бўлиб колмайсан, — дебди ва катлга хукм килибди. Шунда бийни судраб-судраб, калъа бозори бошига олиб чикишибди. У анча йиллар шу вилоятда эркин хукм юргизган ва хеч бир сохиби давлатга бош эндирмаган эди. Мана энди неча бир хорлик билан ўша бошини танидан жудо килиб, дорга осишди. Рахимхон кўнглини Мухаммадаминбий ишидан тинчитгач, Хисор вилоятини ўзининг амирларидан бирига бериб, Бухорога кайтди. Бир неча вактдан сўнг Хоразм томонга лашкар тортди. У ердан хам музаффар ва мансур холда катта галаба билан юртига келди ва бир неча кун давомида йўл чарчокларини ёзиб, тин олди. Ва тагин бир неча муддат ўтиб, бехуда гапларга уста ва хушомадгўй уламодин бир нечтаси «шариатда ўн икки минг кишига улуфа (нафака) берадиган хар бир хокимнинг «подшох»лик номи билан аталишга хукм бор» деган фатвони беришди. Буни уламолардан эшитган Рахимхон дархол шохлик тожини бошига кийди ва салтанат тахтига ўтирди. Унинг номига хутба ўкиб, Рахимхон кўрсатиб берган тарзда танга ўйдилар. Хотини Жонакпошшони хам малика сифатида сарой харамида подшохлик тахтига чикарди. Айтишларича, хоннинг Мирзо Бокир исмли бир ўта хозиржавоб ва латифгўй надими бор экан. Бир куни хоннинг нима учундир Мирзо Бокирдан кўнгли колиб, ўлимга хукм килибди. Бечорани судраб-торткилаб, хон олдидан олиб чикиб кетишаётганда ушбу байтни бир зумда назм ипига териб, куйидагиларни ўкибди, шеър:
Сарам буриду ба хокам нишонду хунам рехт,
Надонам ин чаманоро чи муддао дорад?
(Мазмуни:
Бошим кесди-ю, тупрокка ёнбошлатди, коним тўкди,
Билмам, бу чаман безовчининг муддаоси недур?)
Унинг жавобида хон хам шу захоти бадеха тарзида ушбу шеърни ўкибди:
Сарат буриду ба хокат нишонду хунат рехт,
Хануз хакки намак бо ту корхо дорад.
(Мазмуни:
Бошинг кесди-ю, тупрок узра ўткизди ва тўкди конинг,
Чунки, тузим хаккининг хали сенда яна иши кўпдир).
Мирзо Бокир яна бир бошка байт айтмокчи бўлган экан, хон дархол шундай дебди, мисраъ:
Инжо макоми дам задани Жабрайил нест!

(Мазмуни:
Бу ер Жабраилнинг сўз айтадиган жойи эмас!)
Мирзо Бокир караса, иш кўлдан чиккан. Шунда у «энди барибир бўладигани бўлди, ўлишим аник, ётиб колгунча отиб колиш зарур» кабилида иш тутиб, жавобида ушбу мисрани айтибди:
Фиръавн, куштаи ту магар руди Нил нест?
(Мазмуни:
Фиръавн, сени ўлдирган Нил дарёси эмасми?)
Мирзонинг жавобидан хоннинг кулгиси кистаб, газаб олови сўнибди. Иттифоко, ўша чогда хон зумрад дастали пичокда ўз тирногини олаётган бўлиб, пичок эгри кетиб, хоннинг бармогини кесиб юборибди ва кон ока бошлабди. Хон пичокни четга иткитиб, надимларига караганча «бундай пичокни синдириб ташлаш керак» дебди. Бунга жавобан надимларнинг хеч бири бирон нарса дея олишмабди. Мирзо Бокир эса: — Агар хон эгаи ин корд-ро ба ин гулом мехрубони мекарданд, кин килиб осар эдим [аския килиб тожикча ва туркий аралаш «агарда хон бу пичок эгасини менга мехрубонлик килиб берсалар, кин килиб осар эдим»], — дебди. Хон Мирзонинг бу нозиктаъблик билан айтган сўзларини эшитиб, роса кулибди ва пичок ёнига подшохона тўн хам кўшиб, Мирзога инъом килибди ва бир кошик конидан кечибди. Хон билан Мирзо ўртасида бўлиб ўтган бундай вокеалар хакида кўплаб хикоялар айтилади. Аммо бу ерда шу айтганимиз билан кифояландик.
Айтишларича, Рахимхон бир куни Хожаи жахон номи билан танилган кутб ал-авлиё, гавс ал-аткиё, Хазрат хўжа Абдухолик Гиждувоний макбараси зиёратига борибди. У ерда бир беадабсизлик килиб кўйибди ва шу захоти ранги-рўйи корайиб, Бухорога кайтибди. Ўша кечаси бу гururга тўла саройдан борлик этагини йигиштириб, охират уйи томон юзланибди. Чунончи, шоир айтмиш, байт:
Агар умр дори хазору дувист,
Ба жуз хоки тира туро жой нест.
(Мазмуни: Бир минг икки юз ёшга кирган эсанг хам,
Сен учун кора тупрокдан ўзга жой йўк).
Умри муддати ўттиз олти йил, амирлиги даври эса ўн йил бўлиб, икки йил подшох номи остида хукм сурди. Яъни Бухородаги хукмронлиги жами ўн икки йил бўлди. 1177 хижрий/1763-64 йили Рахимхоннинг мирохур и Бекназар Баходир жилов бу вокеадан сўнг кочиб, Шахрисабзга борди ва Кеш вилоятини ўз тасарруфи доирасига киритди. Кенагаснинг Очамайли (уруги) амирлари сулоласи хонадони давлати шу зайл узилиб, Кайрасолди томон юзланди. Рахимхондан бирор фарзанд колмади. Ўрнига амакиси Дониёл оталик ибн Хаким оталик амирлик тахтига ўтирди. У жуда юмшок табиат, тўгри сўз киши бўлиб, подшохлик унвонини ўзига эп кўрмади ва Чингизхон авлодидан саналмиш Абулгозихон исмли бир шахсни кайсидир бир бурчакдан топиб келиб, подшохлик лакаби билан кўгирчок хукмдор килиб тахтга ўтказди. Мамлакатнинг ишларини эса ўз кўлига олди. Хар жумъа куни одатлари шундан иборат эдики, Кўрунуш маросими пайти ул бечорага подшохлик либосини кийгизиб, салтанат тахти устига ўтказишар ва Кўрунуш тугагач, кимматбахо кийимларни эгнидан ечиб олишарди. Сўнг бу кўгирчок подшох ёнида бир жиловдор билан Бухоро кўчаларини айланиб чикарди.
Дониёл оталик Бухоро мамлакатини кўлга киритиш ишларидан тинчигач, кўнглини Рахимхоннинг беваси Жонакпошшога уйланиш ва уни ўз никохига киритиш тараддуди сари каратди. Чунки, анча йиллардан бери бу аёл ишки ўки унинг юрагини тешиб ўтган ва унинг хажрида оловга тушган соч толасидек жизганак бўлиб куярди. Шоир демиш,

маснавий:
Ишк аст хазор шуъла дар тоб,
Акл аст хазор реша дар об.
Шоханшах бе сарири ишк аст,
Султон хароб карди ишк аст.
Чун оташи ишк бифурўзад,
Фарзонаву акли хар ду сўзад.
Чун ишк расад бо оханин тоб,
Сад шуълаи оханин кунад об.
Бар кухаи гам кунад амори,
Бар маркаб чу кунад савори.
Аз хуни жигари нигор пайванд,
Аз силсилаи жунун кунад банд.
(Мазмуни: Ишк ёнаётган минг бир шуъла,
Акл сувда ёйилган минг томир.
Шоханшох ишк ила тахтсиздир,
Султон ишк сабаб бахтсиздир.
Ишк оташи олса аланга агар,
Окилу девона бирга тенг куяр.
Келса темирни эритгувчи ишк,
Темирни сувдек килиб эритар.
Гам эгарин урса улов сагрисига,
Сўнг ўтирса унга миниб шу отга.
Ошик жигарин янчиб кон этар,
Жунун занжирига боглар ўзин).
Нихоят, ана шу айрилик тунлари тугаб, умид тонги отди. Дониёл оталик Мовароуннахр мамлакатлари келинчаги Бухорони кўлга киритгач, ул гўзал парипайкарни хам ўз никохига олиб, хар иккаласини хам бирданига огушига тортди. Шоир бу байтни шу тўгрида айтмиш:
Бихамдуллох ки хажр охир шуду гам рафту ёр омад,
Зи жонсахти намурдан окибат моро ба кор омад.
(Мазмуни:
Шукрки, айрилик тугаб, гам кетиб, ёр келди,
Каттик жонликдан ўлмаганимиз охир фойда берди).
Айтишларича, ўшанда ул гўзал ёр учун нихоятда ажойиб ва чиройли, гоятда дилтортар ва назокатли бир либосни кадду коматига мослаб тикишган эканки, ўз даврида бундайини хали кўз кўриб, кулок эшитмаган экан. Назм:
Бале, ки зи дидани он шаклу рафтор,
Бубандад зохиди сад сола зуннор.
(Мазмуни: Ха, ул шаклу коматни кўриб,
Юз йиллик тоатли зохид диндан чикади).
Айтишларича, бир куни маликанинг доя-энагаси ундан: «Эй жахон маликаси, учта сохиби давлат подшох кўйнида бўлдингиз. Айтингчи, улардан кай бирининг хислати кўнглингизга мос тушиб, юрагингизни завк-шавкка тўлдирди?» деб сўрабди. Малика бу саволга куйидаги жавобни берибди: «Эй энажон, хусну жамолни Элбарсхонда кўрдим, яхши хулк-атворни Рахимхонда кўрдим, жимо лаззатини эса Дониёл оталикдан топдим».

Азиз ўкувчи наздида яширин колмасинким, бизнинг асримизда хам бу янглиг иш юзага чикиб турибди. Лекин бирон кимса бу каби ишлар борасида акалли бирон сўз сўраб, кандай бўлмасин бирон жавоб эшитишни ўзига раво кўрмаяпти. Кўрганингиздек, хар калай илгари замонда эса бунака гаплар халк орасида огиздан-огизга ўтиб, накл килиниб юрган экан. Мен эсам бир огиз гап сўраб «хечкиси йўк, густохликнинг кечирилиш умиди бор» дегандан бошка жавоб эшитмадим. Байт:
Чи гўям ки ногуфтанам бехтар аст,
Забон дар дахан посбони сар аст.
(Мазмуни: Нима дейин, айтмаганим яхширок,
Огиз ичидаги тил бошга посбондир).
Уша пайтларда Фозилбий валинаъмий фонийлик саройидан дору-л-бакога кўчиб ўтди. Умри муддати эллик саккиз йил бўлди. Унинг ўрнига ўгли Худоёрбий валинаъмий тахт тепасида карор  топди. Уратепанинг барча вилоятларини ўз тасаррруфига киритиб, тўла эгалик билан хукмронлик
ишларига киришди.
Дониёл оталик бир неча йил хукм юргизиб, нихоят, огир бир касалликка йўликди ва шунинг оркасида ўткинчи оламни тарк этди. Умри муддати етмиш беш ёш ва хукумат даври ўн етти йил бўлди. Ундан беш фарзанд ёдгор колди. Биринчиси Шохмуродбий, иккинчиси Султонмурод кўшбеги, учинчиси Тўхтамишбий, тўртинчиси Умар кўшбеги, бешинчиси Махмудбий. Булар орасида жахондорлик аломатлари факат Шохмуродбий пешонасида яркираб турар, аммо у ўша кезларда факру фано трикати йўлига кириб, Бухоро кўчаларида пири топширигига кўра хаммоллик килиб юрарди. Амирлар бир огиздан маъкуллаб, 1198/1883-84 йили Шохмуродбийни хукумат тепасига кўтардилар. Шохмуродбий амирлик ишлари саройи асосини адолат курсиси устига ўрнатиб, адолатининг чамансаройи ситам шохини фано шамшири билан кесиб, сипох ва раиятни ўз каноти остига олди ва ўша кунисиёк порахўрликда ном чикарган Бухоро кози калонини сўрок килиб, гунохини бўйнига кўйгач, бошини кестирди. Хукумати давомида бирор соат давлат ишидан бехабар бўлмади. Узбек хонлари ва амирлари орасида, балки, дунёнинг хеч ерида диндорлик ва инсофлиликда унга ўхшагани хеч бир замонда бўлмаган. Кўп вактини шиа ахлига карши урушларда ўтказди. Бу йўлда отининг туёги Машхаддан ўтиб, то Кадамжо нохиясигача етган эди. Ўша пайтда Марви Шохижахонда Эрон хокими Бобохон ахта томонидан ноибликка кўйилган Байрамалихон хокимлик киларди. Шохмуродбий бу мамлакат устига бостириб боргач, бир хамла билан Марви Шохижахонни эгаллади. Жуда кўп шиаларни ўлдириб, Байрамалихоннинг ўгли ва келину набираларини асир килиб Бухорога олиб келди. Байрамалихоннинг эса бошини кестирди. Фазилатлар эгаси Мирзо Содик Жондор бу вокеанинг таърихини яхши айтган ва таърих ушбудир:
«Сари гулом буриду ба пойи дор андохт,
Писари ў Хожихонро ба Бухоро овард»28.
(Мазмуни:
Кулнинг бошини кесиб, дор остига ташлади,
Унинг ўхли Хожихонни Бухорога келтирди).
Аммо, Байрамалихоннинг ўгли Хожихон бир неча кундан сўнг туткунликдан кочиб, Шахрисабздаги Ниёзали девонбеги олдига борди. Девонбеги уни иззат билан каршилаб, бир йилга якин ўша шахарда бўлди. Шохмуродбий валинаъмий Хожихонни топширишларини талаб килди ва уни ушлашга жуда кўп харакатлар кўргузди. Хатто,

тутиб беришса, эвазига тўрт минг ашрафий тилло бераман, дея ваъда берди. Ниёзали девонбеги жавобида эса «агар Бухоронинг етти йиллик соликдан тушган йигим пулини беришса хам биз хеч качон ўз мехмонимизни ушлаб бермаймиз. Биз ўзбак халкимиз, кенагаснинг ялписини кириб, хатто биттаси тирик колганда хам бу максадингизга етиша олмайсиз. Шунинг учун яхшиси бошингиздан бу хом хаёлни чикариб ташланг», деди. Кандай ажойиб сохиби давлатлар бўлган эканки, Хожихон шиа мазхабида бўлишига карамай, бунчалик иззат кўрсатишган. Бизнинг замонадаги эллик минг мусулмонни бир сарик чакага сотадиганларга эса лаънатлар бўлсин. Алкисса, Хожихон Шахрисабздан Худоёрбий девонбеги хузурига кетди ва у ердан Хўкандга Норбўтабий валинаъмий хузурига етишди. Икки йил факирнинг бобоси уйида бўлиб, шундан сўнг у ердан Кошгар ва Тибет йўли оркали ўз ватани сари юзланди. Анча йўлларни босиб ўтиб, Эронга етиб олди ва Бобошох ахта хузурига борди. Шох илтифоти билан ўз юртида вазирлик мансабида карор топди. Айтишларича, хеч ким бу каби доно кишини кўрмаган ва эшитмаган экан.
Хар илмда мохир бўлиб, хеч бир илм сохаси унинг билим чангалидан кочиб кутулган эмас экан. Айтишларича, Бобошох ахта замонида Гуржистондан минг бажокий олтинга бир канизакни сотиб олишибди. Бу канизакнинг исми Саврисултон бўлиб, жахонни ёритувчи офтоб шунчалик оламни ёкувчи бўлишига карамай, унинг ёлкинли юзига никоб воситасисиз ва хижоб химоятисиз дош бериб карай олмас, гул унинг жамоли шавкида ёкасини йиртган ва наргис унинг хуснини томоша килиш иштиёкида барча вужудини кўзга айлантирган экан. Ул раъно юзли жонон Бобошохни зулфи аркони билан овлаган экан. Киз бу гўзаллиги устига ажойиб шеърлар хам битувчи шоира хам бўлиб, ушбу газал ул зебонинг латиф таъби махсулидир. Назм:
Шахсувори ман агар тарфи калла бар шиканад,
Жунбиши фарри кулохаш сари Кайсар шиканад.
Офтобест агар барфиканад тарфи никоб,
Оразаш равнаки бутхонаи Озар шиканад.
Баски аз тири нигохаш ба дилам пайконхост,
Гар ба ханжар занадам сари ин ханжар шиканад.
Тойири рухи Сабури ба тавофи харамаш,
Чун ба парвоз дарояд зи шаъаф пар шиканад.
(Мазмуни:
Шохсуворим бошига дубулгани эгри кўндирса,
Унинг укпари кимирлаб, Рум шохи бошин ёрар.
Никоби четини очса бир офтобдир хусни жамоли,
Юзин нури ила оташпарст Озар саждагохин ёкар.
Нигохи ўкларидан юрагимда неча пайконлардир,
Ханжар урса менга ул ханжар боши бешак синар.
Сабурийнинг рух кушлари харами тавофи учун
Этса парвоз, кувончдан кокиб канотидан айрилар).
Бу байт хам уникидир:
Боданўш риндам кард хуш хиром май нўши,
Каъбаро зи ёдам бурд кофари сияхпўше.
(Мазмуни: Бода ичувчи ринд май ич деб туриб олди,
Каъбани унуттирди ул кора кийган кофир).
Шохмуродбий замонасида Темуршох ибн Ахмадшох афгон Кобулдан Мовароуннахр

касдида бир неча масофаларни босиб ўтиб, Акчага келиб тушди. Бу шохнинг келганидан Шохмуродбий валинаъми хабар топиб, Бухоро кўшини билан ул тарафга юрди ва Жайхун дарёсидан хеч нарсани ўйлаб-кўркиб ўтирмасдан кечиб ўтганча ша^арлар онаси (умм ал-билод) Балх якинига бориб, кўш ташлади. Шохмуродбий валинаъмининг бу довюраклиги ва журъатидан Темуршох хайратга тушди ва ярашиш сўзини ўртага солди. Орада элчи ва хат юборишлар амалга ошгач, сулх масаласи амалга
ошиб, хар икки сохиби давлат ўз давлати пойтахтига караб кетдилар. Шахрисабз хокими Бекназарбий валинаъмийнинг вафоти хам ўша пайтга тўгри келади. Ундан уч ўгил колди. Ниёзалибий ва Хакимбий ва Абдуллох додхох. Шахрисабз амирлари бир ёкадан бош чикариб, катта ўгли Ниёзалибий валинаъмни амирлик тахтига ўтказишди. Ниёзалибий сохиби тадбир ва доно киши бўлиб, Кеш мулкининг барча вилоятларини кўлга киритди. Бирор соат давлат ишларидан бехабар бўлмасди. Хаким додхох эса айни ёшлик ва хукмронлик чоги жазом (?) касалига йўликди. Шеър машкида яхши эди. Бу туркий мухаммас унинг таъби махсулидир. Мухаммас:
Менга хам бор эди хар кун сипоху жох ила хашмат,
Эшигимдин насим ўтмас эди беизну берухсат.
Кўнгул масрур, кўз пурнуру тан хам бор эди сиххат,
Фалакни жабридин етти бу янглиг мехнату лат.
Ситамгар, зулмпарвар, шўх маккоримдин айрилдим,
Парилар сарвари ёри вафодоримдин айрилдим.
Шижоату химмат ва фазлу илм либоси Абдуллох додхох коматини хам безаб турарди. У хам яхши шеърлар машк киларди. Настаълик хатини жуда яхши битарди. Бу икки китъа ул амирлик панохи таъбининг махсулидир. Китъа:
Бахор рафту гулафшоне ба димог намонд,
Шароб дар кадаху нур дар чарог намонд.
Муоширони хуш илхон аз ин чаман рафтанд,
Ба гайри оби равон хеч кас ба бог намонд.
(Мазмуни:
Бахор кетди-ю, гуллари иси димогда колмади, Кадахда шароб колмади, чирокда эса хеч нур. Хушовоз сухбатдошлар бу чаманни этишди тарк, Окар сувдан бошка хеч ким колмади богда).
Яна уники:
Хусн мулкинда шохдур кокул,
Турфа рифъатпанохдур кокул.
То хаводин топиб паришонлик,
Мен каби додхохдур кокул.
Шохмуродбий валинаъми кайта-кайта Шахрисабз устига бостириб бориб, улар орасида каттик урушлар рўй берди. Лекин хеч бир йўл билан бу ўлкани фатх этишга муяссар бўлмади. Шахрисабз атрофида ўн саккизта калъа бино килинган эди. Нихоят, Шохмуродбий бу вилоятни олишдан кўл
тортиб, ўз давлати томон кайтди.

давоми бор...